



## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ 2025 ЙИЛ 21 АВГУСТДАГИ ПФ-141-СОН ФАРМОННИНГ МАЗМУН-МОҲИЯТИ ВА УНИНГ АҲАМИЯТИ ЮЗАСИДАН.

Э.Номозов

Жинойт ишлари бўйича

Қува туман суди судьяси

<https://doi.org/10.5281/zenodo.17222177>

### ARTICLE INFO

Received: 21<sup>st</sup> September 2025

Accepted: 25<sup>th</sup> September 2025

Published: 29<sup>th</sup> September 2025

### KEYWORDS

Мамлакатимизда суд-  
ҳуқуқ соҳасида кенг қўламли  
ислоҳотлар амалга  
оширишининг янги босқичи.

### ABSTRACT

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 21 август 2025 йилда қабул қилинган ПФ-141-сонли Фармони “Одил судлов соҳасида юқори малакали кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” деб номланиб, ушбу фармоннинг асосий мақсадлари ва вазифалари қуйидагиларни ўз ичига олади.

Жумладан, суд тизими учун юқори малакали ҳуқуқшунос кадрларни халқаро стандартлар асосида тайёрлаш, ривожлантириш ва такомиллаштириш;

- судьялик номзодларни тайёрлаш, судья ва суд аппарати ходимларининг малакасини ошириш, судьялик касбий маданиятини шакллантириш дастурларини жорий этиш;

- “Судьялар олий мактаби” фаолияти тубдан ислоҳ қилиниб, унинг асосида “Одил судлов академияси” ташкил этилади.

Ўзбекистон Республикасида сўнги йилларда суд-ҳуқуқ соҳасида кенг қўламли ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Бу ислоҳотларнинг бош мақсади – фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, адолатли судлов таъминлашнинг қарор топтириш, суд тизимига ишончли мустаҳкамлашдир.

Ушбу ислоҳотларнинг давоми сифатида 2025-йил 21-август куни Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан ПФ-141-сон Фармон қабул қилиниши ҳам бугунги кунда мамлакатимизда суд—ҳуқуқ тизимига бўлган эътиборлардан бири деб уйлайман, мазкур ҳужжат суд тизимини тубдан янгилаш, судьялар корпусини юқори малакали кадрлар билан таъминлаш ҳамда одил судловнинг чинакам кафолатларини яратишга қаратилгани билан алоҳида аҳамият касб этади.

Бинобарин, мазкур Фармоннинг асосий мақсади ва мазмун моҳияти шунингдек, суд-ҳуқуқ тизимида учраётган турли муаммоларни ҳал этишга қаратилган бўлиб, жумладан ушбу Фармонда

- судьяларни танлаш ва тайёрлаш жараёнини янада ошқора қилиш;
- суд фаолиятининг шаффофлигини кучайтириш;
- фуқароларнинг суд орқали ҳуқуқларини самарали ҳимоя қилиш;
- суд тизимида замонавий бошқарув ва рақамлаштиришни жорий этиш белгиланган.

Мазкур фармоннинг бош ғояси – мустақил, профессионал ва адолатли суд тизимини шакллантиришга қаратилган мақсадлар ўз ифодасини топган.

Шу билан бирга фармонда судьяларнинг малакасини ошириш ва профессионал тайёрлаш ҳам акс этган бўлиб, фармонда судьялар корпусининг малакасини ошириш масаласига алоҳида урғу қаратилган, шу мақсадда;

- махсус ўқув курслари ва малака ошириш дастурлари ташкил этилади;
- халқаро суд амалиёти ва илғор хорижий тажрибаларни ўрганиш механизмлари йўлга қўйилади;
- судьялик лавозимига номзодлар танловида ошкоралик ва адолат тамойиллари мустаҳкамланади.

Натижада келгусида судьяларнинг касбий даражаси ошиб, улар халқаро стандартларга мос қарорлар қабул қилиш имкониятига эга бўладилар.

Мазкур фармонда бугунги кунда судловда шаффофлик ва одиллик мезонларига тўхталиши ҳам бугунги кунда мамлакатимизда фармонга асосан, суд тизимида очиқлик ва адолатни таъминлашни асосий вазифа сифатида белгиланилиши судларда чуқур билим ва масъулият юклайди. Жумладан;

- суд қарорлари изчил ва тушунарли бўлиши;
- суд мажлислари имкон қадар очиқ ўтказилиши;
- оммавий ахборот воситалари ва жамоатчиликнинг суд жараёнида фаол иштироки таъминланиши кўзда тутилган.

Шу билан бирга, Фармонда суд тизимида бошқарув ва ташкилий масалаларга ҳам янгича ёндашувни жорий этилиги кўрсатилган бўлиб, унга кўра,

- судларнинг иш ҳажмини тенг тақсимлаш;
- суд жараёнларини рақамлаштириш ва электрон ҳужжат айланишини кенг жорий этиш;
- суд ходимларини моддий ва ижтимоий жиҳатдан рағбатлантириш белгилаб қўйилди.

Бу чора-тадбирлар жамиятда судга бўлган ишончни оширишга хизмат қилиши билан бирга судларнинг самарадорлигини ошириш, ортиқча бюрократик тўсиқларни камайтиришга ёрдам беради.

Хулоса ўрнида шуни таъкитлаш жоизки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг жорий йил 21 августдаги ПФ-141-сон Фармони Ўзбекистон суд-ҳуқуқ тизимида янги босқични бошлаб бериш билан бир қаторда, унинг мазмун-моҳияти – судларнинг мустақиллигини таъминлаш, одил судловни қарор топтириш, судьялар малакасини ошириш ва фуқаролар ҳуқуқларини ишончли ҳимоя қилишдан иборатдир. Ушбу ҳужжат нафақат ҳуқуқий соҳадаги ислохотларнинг давомидир, балки мамлакатимизда ҳуқуқий давлат ва кучли фуқаролик жамиятини барпо этиш йўлидаги муҳим қадамлардан бири бўлади деб уйлайман.